



Истиқболли лойиҳалар

худудларда саноатнинг жадал ривожланишида алоҳида аҳамият касб этади

Маълумки, мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш, хусусан, саноат салоҳиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилаётган. Бу ички бозорни кўшимча қийматга эга бўлган тайёр маҳсулотлар билан тўлдириш, маҳаллийлаштириш кўламини кенгайтириш, энг муҳими, экспорт ҳажминини ошириш имконини бераётгани билан диққатга сазовордир.

Юртимизда, айниқса, қулай инвестициявий муҳит, тадбиркорларга яратилган шарт-шароит чекка худудларга саноатни олиб киришда қўл келаяпти. Буни Сирдарё вилоятида фаолият бошлаётган янги ишлаб чиқариш субъектлари мисолида яққол кўриш мумкин.

ИСЛОҲОТ



Сирдарё вилоятининг Бахт шахрида "Baxtteks-Farm" масъулияти чекланган жамияти ишга туширилиши туфайли

500 дан ортиқ иш ўринлари яратилиб, худуддаги ижтимоий бандликка муносиб ҳисса қўшилди.



Уларнинг аксарияти худуд иқтисодиёти учун янги йўналиш бўлиб, "Baxtteks-Farm" масъулияти чекланган жамияти шулардан биридир. Бу ерда 526 та иш ўрни очилиб, импорт ўрнини босувчи тиббий боғлов ва гигиеник маҳсулотлар, шунингдек, калава ип ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

— Инвестиция дастурига киритилган мазкур лойиҳанинг қиймати 21,6 миллион АҚШ долларига тенг. Унинг биринчи босқичида 12,6 миллион АҚШ доллари миқдорига инвестиция йўналтирилди, — дейди корхона бош директори ўринбосари Бахтиёр Фофуров. — Унинг 7,5 миллиони банк кредити, қолган қисми эса корхона маблағи ҳиссасига тўғри келди. Бунинг эвазига Европа давлатларининг соҳада етакчи бўлган компанияларида ишлаб чиқарилган энг замонавий технологик ускуналар олиб келиниб ўрнатилди. Шу тарзда жуда қисқа фурсат ичида тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Корхонада иш 3 сменада ташкил этилган бўлиб, айни пайтда тиббиёт бинти, тампон, момиқ пахта каби 40 дан ортиқ турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Улар юртимиз аҳолиси ва тиббиёт муассасаларининг эҳтиёжини қондириш баробарида, экспортга ҳам чиқарилаётир.

(Давоми 2-бетда.)

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 26 март куни Ўзбекистон — Ўмон Султонлиги Ишбилармонлар кенгашининг иккинчи мажлиси ва икки мамлакат ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.

ЎЗБЕКИСТОН — ЎМОН БИЗНЕС-ФОРУМИ

Ўзбекистон Республикаси ҳамда Ўмон Султонлиги Савдо-саноат палаталари ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирлар мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлигини янада кенгайтириш, ўзаро манфаатли лойиҳалар ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга ошириш масалаларига бағишланди. Тадбирда икки давлатнинг савдо, саноат, нефть-газ, банк-молия, қурилиш, автомобилсозлик, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, кимё саноати, қимматли қўғозлар, логистика ва юк ташиш, сайёҳлик, энгил саноат ҳамда тўқимачилик соҳалари учун масъул вазирнинг ўринбосари Шавкат Тўлаганов, Ўзбекистон Республикаси савдо-саноат палатаси раиси Алишер Шайхов, Ўмон Султонлиги савдо-саноат палатаси раиси Халил бин Аб-

дулла ал-Хонжи мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар кўплаб йўналишлар қатори иқтисодий соҳада ҳам изчил ривожланаётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидладилар.

Мамлакатларимиз ўртасида иқтисодий ҳамкорлик учун мустақам ҳуқуқий асос яратилган. Жумладан, савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик, инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш, даромадларнинг икки томонлама солиққа тортилишига йўл қўймаслик ҳамда даромад ва капитал солиқларини тўлашдан бош тортишни бартараф этиш тўғрисида ҳуқуқматларо битимлар имзоланган. Шунингдек, хаво транспорти қатновига оид ҳуқуқматларо битим, нефть-газ, кимё, қурилиш, олий таълим, сайёҳлик, сармоя каби соҳаларда қатор ҳужжатлар имзоланган.

(Давоми 2-бетда.)

Наврўз БМТ қароргоҳида нишонланди

Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузуридаги доимий ваколатхонаси БМТнинг Нью-Йоркдаги қароргоҳида Наврўз байрами нишонланишининг ташкилотчиларидан бири бўлди.

Бош Ассамблея залида бўлиб ўтган тантанали тадбирда БМТ, дипломатия корпуси, халқаро ташкилотларнинг, шунингдек, ижтимоий ва академик доираларнинг вакиллари ҳозир бўлдилар.

Расмий маросимда БМТ Бош котиби Пан Ги Мун, Бош Ассамблеянинг жорий 67-сессияси Раиси вазифасини бажарувчиси З.Танин, ЮНЕСКОнинг Нью-Йоркдаги вакили Ф. Кривелка ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо давлатлар делегацияларининг раҳбарлари иштирок этдилар.

БМТ Бош котиби Пан Ги Мун ўз чиқишида Наврўз табиат билан уйғунлигининг, инсоний

бирдамлик ва янги ташаббусларнинг рамзи эканлигини қайд этди. Бош котибининг айтишича, булар иқлим ўзгариши, қашшоқликка қарши кураш ва кўп вақтлардан бери давом этиб келаятган энг муҳим муаммоларнинг ҳал қилиниши учун зарур бўлган қадриятлардир.

Қайд этилганидек, 2009 йили Наврўз ЮНЕСКОнинг Инсоният номодий маданий мероси рўйхатида жой олган эди. 2010 йили эса БМТ Бош Ассамблеясининг 64-сессиясида "Наврўз халқаро куни" деб номланган резолюция қабул қилинган.

Тадбир доирасида **Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузуридаги доимий ваколатхонаси** томонидан Наврўзи оламнинг мамлакатимизда кўхна, ардоқли ва том маънодаги умумхалқ байрамларидан бири сифатида нишонланиши, шунингдек, у ўзбек халқининг миллий аъяна ва урф-одатлари билан чамбарчас боғланган қимматли, асраб-авайланган маънавий бойлиги эканлиги ҳақида муфассал маълумот берадиган ахборотнома тарқатилди.

Таъкидланганидек, Наврўз байрами ўзининг гоят гўзал моҳияти ва чуқур фалсафий мазмуни билан ҳаётимизда алоҳи-

да ўрин тутуши баробарида, табиатнинг янгила-ниши ва янги йил ибтидо-сининг рамзи сифатида қабул қилинади.

Бундан ташқари, тадбир доирасида тақдим этилган маданий-этногра-фик дастур ҳам турли дав-латлар, халқлар, дин ва миллатларнинг вакиллари-да катта қизиқиш уйғотди. Мамлакатимизнинг Наврўзи оламини кенг ни-шонлайдиган худудларда фаолият кўрсатадиган фольклор жамоалари ўзла-рининг қўшиқ ва рақслар-дан иборат маданий дасту-рини маҳорат билан на-мойиш этдилар. Шарқона куй ва қўшиқлар тадбир қатнашчиларида унутил-мас таассурот қолдирди. Миллий таомларимиздан иборат байрам дастурхо-ни эса тадбирнинг энг гавжум бўлмаларидан бири бўлди.

(Давоми 2-бетда.)

Муҳташам стадиондаги муҳим ғалаба

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2014 йили Бразилияда бўладиган жаҳон чемпионати йўлнамаси учун ўтказилаётган саралаш мусобақаси доирасида Тошкентда Ливан терма жамоасига қарши баҳс олиб бориб, муҳим ғалабага эришди.

Таъкидлаш жоиз, мазкур ўйинда қайд этиладиган натижа биз учун жуда ҳам аҳамиятли эди. Чунки қўлга киритилган навбатдаги уч очко футболчиларимизнинг "А" гуруҳидаги пешқадамлик мавқеини сақлаб қолиш билан бирга, бизни Бразилия сари яна бир қадам яқинлаштирарди.

(Давоми 3-бетда.)

ТАДБИР

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасида мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ҳаётида хотин-қизларнинг ўрни масаласига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди. Унда республикамизда аккредитация қилинган халқаро ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Хотин-қизлар фаоллигини кучайтириш — устувор масала

Тадбирда мамлакатимизда хотин-қизларнинг мавқеини ошириш борасида қилинаётган ишлар уларнинг оилада, жамиятда муносиб ўринга эга бўлишларини таъминлашга хизмат қилаётгани таъкид-

ланди. Дарҳақиқат, бугун аёл-ларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, сиёсий фаоллигини оши-риш, касбий, жисмоний, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш,

оналик ва болаликни муҳофа-за қилиш, соғлом оилани шакллантиришга қаратилган кенг қўламли ислохотлар тизим-ли равишда олиб борилмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

Олий Мажлис Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси олдида

Олий Мажлис Сенатининг навбатдаги ялпи мажлиси муҳокамасига Қонунчилик палатаси томонидан янги таҳрирда қабул қилинган бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар киритилмоқда.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари роли ошмоқда

Хусусан, "Фуқаро-ларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги ҳамда "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган Концепция доирасида ишлаб чиқилган бўлиб, улар мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Юртимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг янги босқичида нодавлат нотижорат ташкилотларини, шу билан бирга, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор натижасида уларнинг Ўзбекистонда демократик, ҳуқуқий, фуқаролик жамияти барпо этишдаги роли тобора ошиб бормоқда.

Ўз навбатида, фуқаролик жамияти институ-тлари, шу жумладан, фуқаролар йиғинлари фаолиятини кенгайтириш, айниқса, уларнинг демократик қадриятларимизни асраш, инсонларнинг қонуний ман-фаатларини муҳофаза қилиш, уларнинг иқти-дорларини рўёбга чиқариш, ижтимоий-иқтисодий фаоллигини оширишдаги фаолияти му-ҳим ўрин тутаяди.

Қайд этиш жоизки, бундай муҳим вазифа-ларни амалга ошириш-да фуқаролар ўзини ўзи бошқариш институти — маҳалланинг ҳам муно-сиб ўрни бор. Албатта, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органла-ри фаолиятини янада кенгайтириш унинг қонунчилик тизимини мустақамлашни тақозо этади. Шу боис янги таҳрирдаги "Фуқаро-ларнинг ўзини ўзи бош-қариш органлари тўғри-сида"ги Қонун, энг ав-вало, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органла-рининг жамиятдаги ро-лини оширишга қар-атилган. Қолаверса, ушбу масалани хал қилишда маҳаллалар аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш мар-казига айлантириш, шу-нингдек, унинг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жа-моатчилик назорати олиб бориш тизимида-ги вазифаларини янада кенгайтириш ваколатла-ри белгиланган.

Қонунда аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлашни амалга оширишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органла-ри ролини ошириш мустақамлаб қўйилган.

(Давоми 2-бетда.)

«Биз — бир жамоа, биз — бир оиламиз»

Юртимизда ёшларимизнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишларига катта эътибор қаратилмоқда.

ЖАРАЁН

Қувонарлиси, буюк келажак сари дадил интилаётган ўғил-қизларни эзгу мақсадлар йўлида бирлаштириш гоёси «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази ҳамкорлигида аънанавий ўтказилаётган «Биз — бир жамоа, биз — бир оиламиз» номли акция мисолида ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Мазкур тадбир жорий йилнинг 27 мартдан 18 апрелигача Гулистон, Жиззах, Навоий, Урганч, Нукус, Бухоро, Термиз, Қарши, Самарқанд, Фарғона, Андижон ва Наманган шаҳарларида бўлиб ўтади. Уни ўтказишдан мақсад ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, маҳаллий ташкилот ҳамда муассасалар билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйишдан иборат. 20 кун давомидида ёшлар учун журналистика, ахборот технологиялари ва чет тиллар бўйича семинар ҳамда тренинглар ўтказилади. Бундан ташқари, «Дилемма» мунозара клубининг

тақдироти ва намунавий ўйинлари ҳам иктидорли, илм-маърифатга интилувчан, зукко, ташаббускор ёшларни аниқлаш ҳамда рағбатлантиришга йўналтирилганлиги билан янада аҳамиятлидир.

«Биз — бир жамоа, биз — бир оиламиз» тадбири шаҳарлардан ташқари мамлакатимизнинг аксарият туманларида ҳам ташкил қилинади. Уларда, ўтган йилдаги каби иштирокчи ва ташкилотчилар ўз гоёларини тақлиф этади ҳамда улар келгусида ҳаётга татбиқ қилинади.

Бу лойиҳа ҳар йили мамлакатимизнинг барча ҳудудлари бўйлаб 100 мингдан ортиқ фаол йигит-қизларни қамраб олади. Унда фан, маданият, санъат соҳасининг таниқли вакиллари иштирок этади.

Акция доирасида «Аёллар кенгаши» республика жамоат бирлашмаси ва Конрад Аденаур номидаги жамғарма томонидан турли тадбирлар ўтказилиши кўзда тутилган.

О. ЛУТФУЛЛАЕВ.

**«Ўзпахтасаноат» уюшмаси,
унинг Қорақалпоғистон Республикаси
ва вилоятлардаги ҳудудий бирлашмалари, тизимнинг
пахтани қайта ишлаш корхоналари жамоалари**

**фусункор табиати ила кўнгилларга
олам-олам шодлик ҳамда орзу-умидлар бағишлаб юртимизга
кириб келган қадимий ва ҳамиша навқирон**

Наврўз айёми

**билан юртдошларимизни
самимий табриклайди!**

**Барчангизга сиҳат-саломатлик,
файзли хонадонингизга
қут-барака тилайди!**

SAVDOGAR BANK

**Чет эл инвестицияси иштирокидаги
«САВДОГАР»
очиқ акциядорлик тижорат банки
жамоаси**

**Ўзбекистон халқини,
ўз акциядорлари ва мижозлари
ҳамда барча ҳамкасбларини
юртимизга кириб келган
бахор айёми —**

Наврўз

билан қизғин қутлайди!

**Жонажон
Ватанимиз равнақи
йўлидаги фидокорона
меҳнатларингизга
ривож, оилавий
бахт-саодат
тилаймиз!**

**«ШҮРТАН ГАЗ-КИМЁ МАЖМУАСИ»
жамоаси**

**мамлакатимизнинг
барча фуқароларини
юртимиз узра кезиб
юрган меҳр-мурувват,
гўзаллик ва яшариш
ҳамда
бағрикенглик
тимсоли бўлган**

Наврўзи олам

**билан самимий
муборақбод этади!**

**Хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик,
дастурхонингизга қут-барака тилаймиз!**

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Конунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 354. 134 474 нусхалда босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарҳда.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.



Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиёва.
Навбатчи — С. Махсумов.
Мусоҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 21.40 Тошширилди — 22.40 1 2 3 4 5